**QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHINING QARORI**

**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ MINISTRLER KEŃESINIŃ QARARÍ**

2021 - yil 4 - dekabr 172-13-0-Q/21 Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi

# Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими фаолиятига доир ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли, 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва Вазирлар Кенгашиларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома 6-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома 7-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 8-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом 9-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар гуруҳи, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходимларининг одоб-аҳлоқ комиссияси ўз фаолиятида мазкур қарор иловаларида қайд этилган Регламент, Услубиёт, Йўриқнома ва Низомлар талабларининг амалиётда фойдаланилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси** **Қ.Сариев**

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати**

## 1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва Вазирлар Кенгашиларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, , Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро Вазирлар Кенгашилар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Вазирлар Кенгаши Сиёсатни ўз фаолияти спецификасидан келиб чиқиб қабул қилади, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ва мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

4. Қуйидагилар Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашишнинг

асосий мақсади ҳисобланади:

Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари
ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Вазирлар Кенгашининг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг Вазирлар Кенгашининг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Вазирлар Кенгаши ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

Вазирлар Кенгашида мавжуд коррупцияга барҳам бериш.

5. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Вазирлар Кенгашининг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

6. Вазирлар Кенгашига ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим.

7. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар
ва атамалардан фойдаланилади:

**алоқадор шахслар** - Ташкилот ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

**давлат органлари ва муассасалари** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва б. идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари,

шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

**иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари** – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Вазирлар Кенгаши ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Вазирлар Кенгаши ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.;

**контрагент** – Вазирлар Кенгаши билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий хавф-хатар** – Вазирлар Кенгаши ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Вазирлар Кенгаши номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупциявий ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

**коррупцияга қарши ички назорат бўлими** – Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш масалаларига

доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**кронизм** (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва ёки обрўсидан фойдаланиш;

**мансабдор шахс:**

доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, Вазирлар Кенгашиларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро Вазирлар Кенгашида ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**манфаатлар тўқнашуви —** Вазирлар Кенгаши ходимининг шахсий (бевосита

ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Вазирлар Кенгашиларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**маҳаллийчилик** – маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эьтилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**непотизм** (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик риштаrange асосланган кўриниши**)** **-** ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар хисоблаш, Вазирлар Кенгаши манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар** – белгиланган

тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

**уруғ-аймоқчилик** – Вазирлар Кенгаши ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

**фаворитизм** – Вазирлар Кенгаши ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Вазирлар Кенгашида кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

**хайрия (хайрия ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Вазирлар Кенгаши учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

**халқаро Вазирлар Кенгаши** – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро Вазирлар Кенгашилар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро Вазирлар Кенгаши, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий Вазирлар Кенгашилар.

**ходим** – Вазирлар Кенгаши билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

**ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами)** – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Вазирлар Кенгаши (ҳомийлик қилинаётган муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Вазирлар Кенгаши муассасаларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

**шафелик** – Вазирлар Кенгаши ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги

ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

**яқин қариндошлар** – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

**2 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари**

8. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

**қонунийлик** - Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек Вазирлар Кенгаши ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

**коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик)** - Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Вазирлар Кенгаши ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик -** Вазирлар Кенгаши ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Вазирлар Кенгашида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

**коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги** - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Вазирлар Кенгашининг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Вазирлар Кенгаши ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан

қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш -** Вазирлар Кенгаши коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

**тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** - Вазирлар Кенгашининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун ҳудудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Вазирлар Кенгаши раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

**фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорли -** Вазирлар Кенгаши ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қилади;

**мониторинг, таҳлил ва баҳолаш:** Вазирлар Кенгаши даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чоралари кўрилади.

## 3 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

### 1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

9. Вазирлар Кенгаши ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Вазирлар Кенгаши тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

10. Вазирлар Кенгаши ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими

кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

11. Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

12. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Вазирлар Кенгаши ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, рейтингларни ҳисоблаш ва ҳ.к.).

**2-§. Иш юзасидан совғалар ва *меҳмондўстлик* белгиларини қабул қилиш**

13. Вазирлар Кенгаши ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан ошмайдиган буюмлар бундан истисно ҳисобланади.

14. Вазирлар Кенгашида ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғалар Вазирлар Кенгашининг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

Вазирлар Кенгашининг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

15. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг
13 ва 14-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва Вазирлар Кенгашилари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мазкур Сиёсатнинг 13-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

16. Вазирлар Кенгаши номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш раҳбар буйруғига кўра мувофиқ амалга оширилади.

17. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда Вазирлар Кенгаши ходими Вазирлар Кенгашида Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

**3-§. Вазирлар Кенгаши ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши**

18. Вазирлар Кенгаши ходимларининг халқаро ва бошқа Вазирлар Кенгашилар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир Вазирлар Кенгаши ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаётган лойиҳа-тадқиқот Вазирлар Кенгашиига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин

ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

Тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Вазирлар Кенгаши ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

Тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

Тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

19. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва ҳ.к.) Вазирлар Кенгашичиси Вазирлар Кенгаши ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

**4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)**

20. Вазирлар Кенгаши ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

21. Номзодларни Вазирлар Кенгашига танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни Вазирлар Кенгашига қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

22. Вазирлар Кенгашида ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар заҳирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

23. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

24. Вазирлар Кенгашида ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва

Вазирлар Кенгаши ходимлари танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши лозим.

**5-§. Текширувлар ўтказиш ва давлат органлари ва Вазирлар Кенгашилари фаолиятини ўрганиш**

25. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – текширув объектлари) Вазирлар Кенгаши ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви, ўрганиши, мониторингини якка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Вазирлар Кенгаши, таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Вазирлар Кенгаши томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Вазирлар Кенгаши ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлимига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакилларига Вазирлар Кенгаши ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

26. Вазирлар Кенгаши томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва

мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

**6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш**

27. Вазирлар Кенгаши мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

28. Контрагентлар билан муносабатларда Вазирлар Кенгаши қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

29. Вазирлар Кенгашида объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички хужжатлари билан тартибга солинади.

30. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Вазирлар Кенгаши:

Вазирлар Кенгашида контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Вазирлар Кенгаши ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

31. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Вазирлар Кенгаши ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

**7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш**

32. Вазирлар Кенгаши қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар

тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Вазирлар Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

33. Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Вазирлар Кенгашининг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

34. Вазирлар Кенгаши томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Вазирлар Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

**8-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси**

35. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Вазирлар Кенгашининг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

**9-§ Вазирлар Кенгаши фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш**

36. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Вазирлар Кенгаши ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

37. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Вазирлар Кенгаши ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа

электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

**10-§ Вазирлар Кенгашидаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси**

38. Вазирлар Кенгаши биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

39. Вазирлар Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

**4 боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари**

**1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги**

40. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

мазкур Сиёсат; Вазирлар Кенгаши ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари;

Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

41. Вазирлар Кенгаши раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

42. Вазирлар Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

43. Вазирлар Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмалари раҳбарлари Вазирлар Кенгаши фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қилади.

**2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш**

44. Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни

аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

45. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

**3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул**

46. Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат бўлими ташкил этилади.

47. Вазирлар Кенгашида Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ўз фаолиятини Коррупцияга қарши ички назорат бўлими тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Вазирлар Кенгашининг Раисига (Вазирлар Кенгашининг Раёсати)га бўйсунади.

48. Вазирлар Кенгашининг Раиси Коррупцияга қарши ички назорат бўлимини Вазирлар Кенгаши коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

49. Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

50. Вазирлар Кенгашида алоҳида Одоб-аҳлоқ комиссияси фаолият юритади.

51. Вазирлар Кенгашидаги Одоб-аҳлоқ комиссияси Вазирлар Кенгашидаги ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

**5-§ Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида**

**ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш**

52. Вазирлар Кенгаши коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва жамият хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

53. Вазирлар Кенгаши барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

Вазирлар Кенгаши раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Вазирлар Кенгашида ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Вазирлар Кенгаши ходимларини Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

Вазирлар Кенгашидаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Вазирлар Кенгашининг Кадрлар бўлимида сақланади;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Вазирлар Кенгаши ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар

туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Вазирлар Кенгаши ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

Вазирлар Кенгаши ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Вазирлар Кенгаши мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Вазирлар Кенгашининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;

Вазирлар Кенгаши контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Вазирлар Кенгашининг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Вазирлар Кенгашининг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

**6-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик**

54. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул Вазирлар Кенгашида амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

55. Мониторинг ва назорат Вазирлар Кенгашида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

56. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Вазирлар Кенгаши фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг

ташкилий-функционал бўлими ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

халқаро ва хорижий Вазирлар Кенгашиларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг Вазирлар Кенгаши ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Вазирлар Кенгаши контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Вазирлар Кенгашининг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

57. Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Вазирлар Кенгашида белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

58. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича

ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

**7-§. Жавобгарлик**

59. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

60. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Вазирлар Кенгашининг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Вазирлар Кенгашининг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Вазирлар Кенгаши манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

61. Ходимлар ўз раҳбари ва Вазирлар Кенгашининг ички назорат бўлимига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат

қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

62. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Кенгашида ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Вазирлар Кенгашида хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

63. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Вазирлар Кенгаши ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

64. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда ички назорат бўлими уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

65. Ички текширувлар натижалари доимий равишда Вазирлар Кенгашининг Раисига тақдим этилади.

66. Вазирлар Кенгаши коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

## 6 боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

67. Вазирлар Кенгаши ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Вазирлар Кенгашининг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

68. Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

69. Вазирлар Кенгаши ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа

ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

70. Вазирлар Кенгашининг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Вазирлар Кенгаши масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатлар ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилади.

71. Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 7 боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби

72. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Вазирлар Кенгаши фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Вазирлар Кенгашининг ташкилий бўлими ва ёки функцияларининг ўзига хос жиҳат лари ўзгарганда ва ҳ.к.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

## УСЛУБИЁТИ

### 1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига (кейинги ўринларда Вазирлар Кенгаши) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Вазирлар Кенгаши фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

3. Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйдагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Вазирлар Кенгашида, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда

таъсир кўрсатувчи Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Вазирлар Кенгаши бўлимининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Вазирлар Кенгаши функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5.Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қолдиқ хавф-хатар** – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул килингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Вазирлар Кенгаши номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – Вазирлар Кенгаши томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

**коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси** – Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Вазирлар Кенгаши функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат

вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**тартиб-таомил** – Вазирлар Кенгаши функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёҳуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

**функция** – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Вазирлар Кенгашининг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

**эксперт фикри** – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

**ўзига хос хавф-хатар** – Вазирлар Кенгаши фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

**ҳудудий ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси** – Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) томонидан Вазирлар Кенгаши Раиси топшириғи асосида амалга оширилади. Вазирлар Кенгаши Раиси топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Ички назорат бўлими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда

Вазирлар Кенгашида хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши курашиш таркибий бўлинмаларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Вазирлар Кенгаши Раисининг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул ўринбосари билан келишади;

Вазирлар Кенгаши Раисига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Кенгаши Раисининг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул ўринбосари билан келишади:

Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

**2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш**

8. Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли фармойиш ва унда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

9. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

10. Ички назорат бўлими ушбу Услубиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқади.

11. Вазирлар Кенгашининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Ички

назорат бўлими томонидан Вазирлар Кенгаши Раисининг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул ўринбосари билан келишилади.

12. Вазирлар Кенгашининг Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси Ички назорат бўлими тақдимномасига асосан Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан тасдиқланади.

13. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Ички назорат бўлими Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

14. Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Ички назорат бўлими тақдимномасига асосан Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан тасдиқланади.

15. Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

16. Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш дастури Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Ички назорат бўлими томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан тадиқланади.

## 3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

17.Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Вазирлар Кенгашининг тегишли Фармойиши асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

18. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

19. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Ички назорат бўлими Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

20. Ички назорат бўлими таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қилади.

## 4-боб. Вазирлар Кенгашида амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

21. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Вазирлар Кенгашининг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-аҳлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Вазирлар Кенгашининг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Вазирлар Кенгаши фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжатлари;

Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълуомотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

22. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Вазирлар Кенгашининг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

23. Ҳар бир функция қуйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

24. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлимининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

25. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётининг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 5-иловасидаги 5.1 расм).

## 5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

26. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Вазирлар Кенгаши ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

27. Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётининг 6-иловаси).

28. Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Ички

назорат бўлими томонидан амалга оширилади.

## 6 боб. Якуний қоидалар

29. Зарурат бўлганда, Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Ички назорат бўлими томонидан Вазирлар Кенгаши Раисига таклифлар киритилади.

(Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида)

## Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси

| № | Функция номи | Функциянинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси(энг кўп мойил / энг кам мойил) | Функция доирасида бажарилаётган тартиб-таомил номи | Тартиб-таомилни бажариш учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлинмаси) | Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қисқача таърифи | Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар (юқори/ўрта/паст) | Мавжуд назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари | Назорат тартиб-таомиллари/ коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини тартибга солувчимеъёрий-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар | Назорат тартиб-таомиллари/коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси) | Қолдиқ хавф-хатар даражаси (юқори / ўрта / паст) | Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари | Изоҳлар (зарур ҳолларда) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | | |

1. Бўлинма

1.1. Орган ёки муассаса номи

1.2. Департамент/Бошқарма

1.3. Бўлим

2. Тўлдириш учун масъул

2.1. ФИШ

2.2. Лавозими

2.3. Боғланиш учун (электрон почта, телефон)

## Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар

## РЎЙХАТИ

| № | Ташкилот номи | Ташкилот тузилмаси номи | Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда) |
|---|---|---|---|
| 1.1. | | | |
| ... | | | |
| 2.1. | | | |
| ... | | | |

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш дастури

| № | Ташкилот номи | Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1.1. | | | | | |
| 1.2. | | | | | |
| ... | | | | | |
| 2.1. | | | | | |
| 2.2. | | | | | |
| ... | | | | | |

# Коррупциявий хавф-хатарларни кейинги босқичда баҳолаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бўлинмаларини таснифлаш бўйича сўровнома

## ШАКЛИ

**Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз (кераклигисини тагига чизинг):**

1. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг қонунчиликда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

2. Таркибий бўлинмангиз томонидан бажариладиган тузилма ёки функция фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларда коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

3. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг давлат бошқарув органлари фаолияти/тузилмасида таркибий бўлинмангиз томонидан бажарилаётган функцияга таъсир қилган/таъсир қилиши мумкин бўлган қандайдир ўзгаришлар юз бердими? Агар жавобингиз ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

4. Коррупциявий хавф-хатарларни аввалги баҳолашда кўзда тутилган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилдими? Нима ва қачон амалга оширилганини таърифлаб беринг. Агар амалга оширилмаган ёки қисмай амалга оширилган бўлса, сабабини ёзинг.

А) Ҳа Б) Йўқ В) Қисман амалга оширилган

______________________________________________________________________________

_________________________________________

5. Давлат органи/идораси тизими бўлинмаларида функцияларни бажариш ва

тартиб-таомилларни амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжудми? Агар жавобингиз ижобий бўлса, қуйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

| **№** | **Ташкилот номи** | **Ташкилот тузилмаси номи** | **Функциялар ўзгаргани сабаблари** | **Ўзгарган функция таърифи** | **Функция доирасида бажарилаётган янги/ўзгарган тартиб-таомиллар** | **Тартиб-таомилларни бажариш учун масъул шахслар (ФИШ, лавозими)** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.1.1. | | | | | | |
| 1.1.2. | | | | | | |
| ... | | | | | | |

Давлат органи/идораси /давлат органи/идораси тизими муассасаси

________________________________

Бўлинма __________________________________________________

Тўлдираётган шахснинг лавозими ____________________________________

Тўлдираётган шахснинг ФИШ __________________________________________

Имзо _________________________________________________________

Тўлдириш санаси _________________________________________________

## 5.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини аниқлаш мезонлари

| Эҳтимоли | Таърифи |
|---|---|
| **Юқори** | • Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори<br>• Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги / сезиларли даражада кам-кўстини тўлдириш керак бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги<br>• Тартиб-таомилни ички ҳужжатлар ёрдамида аниқ тартибга солиниши мавжуд эмаслиги<br>• Тартиб-таомилни автоматлаштириш мавжуд эмаслиги/даражаси пастлиги |
| **Ўртача** | • Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта<br>• Тартиб-таомил тартибга солинган, кам-кўстини оз миқдорда тўлдириш керак бўлган назорат тадбирлари жорий этилган<br>• Тартиб-таомил тартибга солинган, қисман автоматлаштирилган, бироқ етарли даражада шаффоф эмас<br>• Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан Ташкилотнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (давлат органи ва ташкилоти ҳудудий ва таркибий давлат бўлинмаларининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги<br>• Тартиб-таомил қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган |

| Эҳтимоли | Таърифи |
|---|---|
| Паст | • Ўзига хос хавф-хатар даражаси паст<br>• Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта ҳамда хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан ички ҳужжатлар билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назоратни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги<br>• Тартиб-таомил тўлиқ автоматлаштирилган |

**5.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари**

| Оқибат даражаси | Обрўга путур етказиш | Жавобгарлик |
|---|---|---|
| Юқори | • Хавф-хатар ташкилотнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равишда путур етказади | • Ташкилот ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун тегишли органларга ҳужжат юбориш ташаббуси билан чиқиш |
| Ўрта | • ОАВда салбий ҳодисанинг ёритилиши;<br>• Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш;<br>• хавф-хатар ташкилот обрўсига маҳаллий даражада путур етказади. | • Ташкилот ходимларига нисбатан маъмурий суриштирув ўтказиш учун ҳужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориш ташаббуси билан чиқиш |
| Паст | • Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин | • Давлат органи/идораси тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин |

## 5.1-расм. Қолдиқ хавф-хатар даражасини аниқлаш шакли

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
3-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича

## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида (кейинги ўринларда Вазирлар Кенгаши)да манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Вазирлар Кенгашининг барча ходимларига тегишли.

4. Мазкур Низом Вазирлар Кенгашида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

5. Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масаласи бўйича гуруҳи томонидан мувофиқлаштириб борилади.

6. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**алоқадор шахслар** – мавжуд эмас;

**кронизм** – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Вазирлар Кенгаши ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Вазирлар Кенгашиларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш** – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

**манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш** – Вазирлар Кенгаши томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлар) Вазирлар Кенгаши манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

**маҳаллийчилик** – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**непотизм** (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши**)** – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар хисоблаш, Вазирлар Кенгаши манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Вазирлар Кенгаши билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Вазирлар Кенгашининг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

**реал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Вазирлар Кенгаши билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Вазирлар Кенгаши манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

**уруғ-аймоқчилик** – Вазирлар Кенгаши ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

**фаворитизм** – Вазирлар Кенгаши ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Вазирлар Кенгашида кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга

юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**шафелик** – Вазирлар Кенгаши ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

## 2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари

7. Вазирлар Кенгаши ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;

ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;

белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги

маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Вазирлар Кенгаши манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;

шаффофлик ва ҳисобдорлик;

шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

## 3-боб. Масъул таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

8. Вазирлар Кенгаши ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Вазирлар Кенгашининг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

9. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Вазирлар Кенгаши ходимлари:

ушбу Низом талабларига риоя қилиши;

фақат Вазирлар Кенгаши манфаатларини кўзлаши;

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат Вазирлар Кенгаши манфаатлари йўлида фойдаланиши;

Вазирлар Кенгаши манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга карши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими)ни хабардор килиши;

непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат Вазирлар Кенгашиларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши;

агарда Вазирлар Кенгашининг бошқа ходимларида манфаатлар тўқнашуви

мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда ички ҳужжатларда белгиланган тартибда хабар бериши шарт.

10. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Вазирлар Кенгаши ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган Вазирлар Кенгашида ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Вазирлар Кенгаши ходими яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган Вазирлар Кенгашиларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Вазирлар Кенгаши ходими манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

11. Мазкур Низомнинг 10-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни виждонан ва холис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

12. Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилади:

ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини

аниқлайди ҳамда ўзининг Раисига ва Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига хабар беради;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегиал тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

13. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади:

ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади;

Низом талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан амалга оширилади;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

14. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин:

ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

ходимнинг Вазирлар Кенгаши фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши;

ходимнинг шахсий манфаатлари Вазирлар Кенгаши фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш

имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.

## 4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

### 1-§ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари

15. Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

Вазирлар Кенгаши тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

### 2-§ Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш

16. Вазирлар Кенгаши тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи Вазирлар Кенгаши Раисини ёки номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи Раис ўринбосарини хабардор қилади.

Раис кўрсатмасига асосан Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи

Вазирлар Кенгашидаги тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

**3-§ Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш**

17. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларация қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Вазирлар Кенгаши ходимлари ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига тақдим қилишлари лозим;

Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи 10 мартгача манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил килади;

таҳлил натижасида фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимлар аниқланса, бундай ходимлар ҳақидаги маълумот Вазирлар Кенгаши Одоб-аҳлоқ комиссиясига тақдим қилинади;

Вазирлар Кенгаши Одоб-аҳлоқ комиссияси ходимнинг бевосита Раиси ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишга масъул тузилма (мансабдор шахс) белгилаб қўйилади;

Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан 25 мартгача мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

ҳар йили I чоракда Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) ва Вазирлар Кенгаши Раисига киритади.

**3-§ Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш**

18. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти

бўйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Вазирлар Кенгаши ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақда бевосита Раисига реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

ходимнинг бевосита Раиси ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш бўйича таклиф билан хабарномани Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли чораларни кўриш учун тақдим этиши шарт;

Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ходимнинг бевосита Раиси билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, Ички назорат бўлими ва Вазирлар Кенгаши Раисига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

### 5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари

19. Вазирлар Кенгаши манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

20. Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Вазирлар Кенгашининг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

юқорироқ лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини

тўлаш ва иш ҳақига устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

21. Истисно ҳолатларда, ушбу Низомнинг 20-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуйидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

ходим томонидан Вазирлар Кенгашининг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

ходим томонидан Вазирлар Кенгаши манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

22. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Вазирлар Кенгашининг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

23. Вазирлар Кенгашида Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ва ходимнинг бевосита Раиси томонидан манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

24. Ички назорат бўлими ходим эътирозига ёки Раис топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ва ходимнинг бевосита Раиси, шунингдек одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текшириш ҳуқуқига эга.

## 6-боб. Ахборотнинг конфеденциаллиги

25. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараённи назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

26. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Вазирлар Кенгашининг ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Вазирлар Кенгашига мурожаат қилинганида уни кўриб чиқиш Ички назорат тузилмалари томонидан Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи билан ҳамкорликда мазкур Низом ва бошқа ички ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

## 7-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

27. Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт. Бунда, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Реестридаги маълумотлар марказий аппарат Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан Вазирлар Кенгашининг умумий Реестирига бирлаштириб борилади. Умумий Реестр Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига ҳар чоракда тақдим этиб борилади.

28. Маълумот Реестрга қуйидаги ҳолларда киритилиши керак:

Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Вазирлар Кенгаши Раиси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ва ходимнинг бевосита Раиси томонидан чора кўрилган тақдирда;

Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;

ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

29. Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва

хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳида сақланади.

## 8-боб. Якуний қоидалар

30. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Вазирлар Кенгашига ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

31. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**Номзод; ходим маълумотномасининг**

## ТАХМИНИЙ ШАКЛИ

## МАЪЛУМОТНОМА

## ФИШ (тўлиқ)

расм

ш жойида иш бошлаган санаси):

галлаган лавозими)

**Туғилган санаси:** **Туғилган жойи:**

**Миллати:** **Партиявийлиги:**

**Маълумоти:** **Тугатган:**

________
____

**Таълим мутахассислиги:**

_________
________
_____

**Илмий даражаси:** **Илмий унвони:**

___________________ ___________________

**Қандай чет тилларини билади:** **Ҳарбий (махсус) унвони:**

___________________ ___________________

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қандай)?:**

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

## (Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари тўғрисида

## МАЪЛУМОТ

| Қариндошлик даражаси | Фамилияси, исми, шарифи | Туғилган санаси ва жойи | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

## (Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари устав капиталида улушга эга ёки бошқарувида иштирок этаётган юридик шахсларга доир

## МАЪЛУМОТЛАР

| Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами | Эгалик субъекти ва қариндошлик | Эгалик улуши / бошқарувдаги роли | Юридик шахснинг асосий фаолият тури |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |

## Тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этаётган (Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга* доир

## МАЪЛУМОТЛАР

| Тижорат ташкилоти номи, рўйхатдан ўтган рақами | Эгалик улуши |
|---|---|
| | |
| | |

* Алоқадор шахслар рўйхати ходим устав капиталида иштирок этаётган ташкилот ҳақидаги очиқ манбалардан олинади.

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг**

## НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Ф.И.Ш (тўлиқ) ____________________________________________
Номзод даъвогарлик қилаётган
таркибий бўлинма номи _____________________________________
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим ________________________
Тўлдирилган сана ______________

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, невaралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

**алоқадор шахслар** – Ташкилот ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;
**мансабдор шахс:** доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**манфаатлар тўқнашуви** – Ташкилот ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;
**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

| | |
|---|---|
| 1. | Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Ташкилотда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг ***(агар улар ишламаса, "йўқ" деб ёзинг).*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |

| | |
|---|---|
| 2. | Бошқарув органи (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ходими, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнингизни ҳисобга олинг.<br>***(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавзоимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |
| 3. | Сизда яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облагацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорларига таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қоғозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилсангиз)<br>***(Изоҳ:«Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиш ва ҳ.к ларни кўрсатиб ўтинг.)*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |
| 4. | Яқин қариндошларингиз ва/ёки сизга алоқадор шахслар давлат органлари ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида муассасаларида ишлайдими?<br>***(Изоҳ:«Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида бундай қариндош(лар), алоқадор шахс (лар)нинг ФИШ, унинг (уларнинг) лавозими ва бўлинмаси/бўлими/бошқармасини қайд этган ҳолда аниқ иш жойини кўрсатиб ўтинг.)*** |
| 5. | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |

| | |
|---|---|
| 6. | Яқин қариндошларингиз бошқарув органлари (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ходими, аъзоси, ташкилот директори ёки вакилими? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишидан қатъий назар уларнинг ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнини ҳисобга олинг. ***(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва яқин қариндошингизнинг улардаги ўрни (лавзоимлари)ни кўрсатиб ўтинг.)*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |
| 7. | Яқин қариндошларингиз давлат органларининг мансабдор шахси ҳисобланадими? ***(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бундай қариндошингиз (ларингиз)нинг ФИШ), унинг (уларнинг) лавозими ва ташкилот номини кўрсатиб ўтинг.)*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |
| 8. | Шахсий манфаатларингиз, яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар манфаатлари йўлида махфий ҳисобланган, давлат органлари ва ташкилотларида ишлаш давомида маълум бўлган ахборотдан фойдаланганмисиз (жумладан, қандайдир жисмоний шахс ёки ташкилотга ошкор қилганмисиз)? ***(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)*** |
| | **Ҳа / Йўқ** |
| | *Изоҳлар:* |
| 9. | Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг |
| | *Изоҳлар:* |
| | Зарур топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг |
| | *Изоҳлар:* |

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом

талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Ташкилотга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

___________________ _________________ _________________________

(Ф.И.Ш) (имзо) (сана)

**Ротация; лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг**

**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

| | |
|---|---|
| Ф.И.Ш (тўлиқ) | |
| Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи | |
| Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим | |
| Тўлдирилган сана | |

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, невaралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

**алоқадор шахслар** – Ташкилот ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

**манфаатлар тўқнашуви** – Ташкилот ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

| | |
|---|---|
| 1 | Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Ташкилотда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг ***(агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг).*** |
| | |
| 2 | Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? ***(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).*** |
| | |

| | |
|---|---|
| 3 | Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? ***(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).*** |
| | |
| 4 | Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг. |
| | |
| 5 | Сизга Ташкилот ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми? ***(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)*** |
| | |
| 6 | Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг. |
| | |

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Ташкилотга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

__________________ _________________ ________________________

(Ф.И.Ш) (имзо) (сана)

## Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш

## РЕЕСТРИ

| Т/р | Маълумот олинган сана | Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимнинг Ф.И.Ш | Ташкилот таркибий тузилмаси ва ходимининг лавозими | Манфаатлар тўқнашувининг предмети | Манфаатлар тўқнашувининг тури (ҳақиқий ёки потенциал) | Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар | Одоб-аҳлоқ комиссия йиғилиш баённомаси рақами ва санаси, Кадрлар бўлими томонидан қабул килинган қарор реквизитлари | Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | |

______________________________ га

бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш тўлиқ

______________________________ дан

Ф.И.Ш тўлиқ

______________________________

ташкилоти, лавозими

______________________________

алоқа телефон рақами

**Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида**

**Х А Б А Р Н О М А**

Ташкилотнинг 20___ йил “____” ______________ даги “____” – сон буйруғига асосан мен,

________________________________________________________________________

(Ф.И.Ш, лавозими)

сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида қуйидагиларни хабар қиламан: ________________________________________

________________________________________________________________________

________________________________________________________________________

________________________________________________________________________

(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Ташкилотнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

________________ ________________ ______________________

(Ф.И.Ш) (имзо) (сана)

**Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади**

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуйидаги чоралар таклиф қилинади:_________________________________________________

(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун кўрилган чоралар кўрсатилади)

_______________ _______________ ______________________

(раҳбарнинг Ф.И.Ш) (имзо) (сана)

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
4-илова

# Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш

# РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий коидалар

1. Мазкур Регламент Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда –Вазирлар Кенгаши)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Вазирлар Кенгашидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Вазирлар Кенгашининг Раисига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишонч телефони** – Вазирлар Кенгашига телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

**мурожаатчи** – алоқа каналлари орқали Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Вазирлар Кенгашиларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Вазирлар Кенгаши номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**таалуқли хабар** – Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

**ходим** – Вазирлар Кенгаши билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Вазирлар Кенгаши  коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

**конфеденциаллик ва хавфсизлик** – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Вазирлар Кенгашининг барча ваколатли шахслари

ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги хақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Вазирлар Кенгаши унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

**қонунийлик** – Вазирлар Кенгаши алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

**мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги** – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Вазирлар Кенгаши ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

**мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа** – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Вазирлар Кенгаши томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

**таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги** – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Вазирлар Кенгаши айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

## 2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Таалуқли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (https://pm.gov.uz/) орқали;

Вазирлар Кенгашининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Вазирлар Кенгашининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси (https://www.facebook.com/_______)) орқали;

Вазирлар Кенгашининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Вазирлар Кенгашининг телеграм боти (@______ _bot)

Вазирлар Кенгашига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Вазирлар Кенгаши алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Вазирлар Кенгаши биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

## 3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

7. Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) Вазирлар Кенгашининг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Вазирлар Кенгашининг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги Вазирлар Кенгашиларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Вазирлар Кенгашининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Вазирлар Кенгаши раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Вазирлар Кенгашининг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Вазирлар Кенгашининг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Вазирлар Кенгашига оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Вазирлар Кенгашининг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Ички назорат бўлими масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат бўлими ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Вазирлар Кенгаши рахбарига киритади.

Ички назорат бўлими ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан

ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Вазирлар Кенгашининг Раиси таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлимига топшириқ туширади.

12. Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими таалуқли хабарни олгандан кейин
1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Вазирлар Кенгашида коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Вазирлар Кенгаши мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий харакатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Вазирлар Кенгашининг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Вазирлар Кенгашига келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб
ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар

амалга ошириладi.

15. Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

16. Таалуқли хабар Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда Ички назорат бўлимига юборади. Ички назорат бўлими олинган хабарни 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

17. Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

## 4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

18. Ички назорат бўлимига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Вазирлар Кенгашининг Раиси топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

19. Коррупциявий харакатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

20. Таалуқли хабар келиб тушганда Ички назорат бўлими ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуқлилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Вазирлар Кенгаши тизимига таалуқли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Ички назорат бўлимига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

21. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

22. Агар Ички назорат бўлими ходими хабар таалуқли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Вазирлар Кенгашининг тегишли бўлимига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

23. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд

бўлса, Ички назорат бўлими ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

24. Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Вазирлар Кенгашига келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

25. Мурожаатга жавоб Ички назорат бўлими томонидан тайёрланиб, Вазирлар Кенгашининг Раиси имзоси билан расмийлаштирилади.

26. Таалуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

27. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

## 5-боб. Ҳисобдорлик

28. Реестрдан Ички назорат бўлими ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Вазирлар Кенгашининг Раиси ёки коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

29. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат бўлими ҳар чоракда Вазирлар Кенгашининг Раисига қабул қилинган коррупциявий харакатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

коррупциявий харакатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;

таалуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

## **6-боб. Якуний қоида**

30. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

31. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

## Вазирлар Кенгашида коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш

## РЕЕСТРИ

| Т/р | Хабар келиб тушган сана | Ҳудуд | Хабарнинг тоифаси (коррупциявий хатти-ҳаракат, манфаатлар тўқнашуви) | Мурожаатлар билан ишлаш тизимида рўйхатга олинган сана ва рақами | Хабар юборил-ган алоқа канали | Мурожаатчи маълумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, қайта алоқа маълумотлари) | Хабарнинг қисқача мазмуни | Хабар таалуқли бўлган тузилма | Кўриб чиқиш натижалари қаноатлантирилди/ тушунтириш берилди/ кўрмасдан қолдирилди | Мурожаатчига жавоб юборилган сана ва хат рақами | Ижрочи | Хабарни кўриб чиққан тузилма раҳбари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
5-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича**

# ЙЎРИҚНОМА

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Вазирлар Кенгаши ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

## 2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Вазирлар Кенгаши ходимларини Ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

**холислик ва илмийлик** – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

**амалий жиҳатдан қулайлик** – Вазирлар Кенгаши ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш

имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

**кетма-кетлилик ва тизимлилик** – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек Вазирлар Кенгаши ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

**ҳаммабоплик** – Ўқитиш Вазирлар Кенгаши ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, Вазирлар Кенгашининг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материаллирини шакллантириш;

**дифференциаланган ёндашув** – Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда махсус ўқитилади;

**ўқитиш усуллари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш** – Вазирлар Кенгаши ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

## 3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Вазирлар Кенгаши ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Вазирлар Кенгашининг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг аҳлоқий қадриятлари ва Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Вазирлар Кенгаши ходимларини Вазирлар Кенгашида амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан

таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Вазирлар Кенгашининг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

## 4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар

6. Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи Вазирлар Кенгаши ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Вазирлар Кенгашида бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) Вазирлар Кенгаши ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

9. Вазирлар Кенгаши Ички назорат бўлими ва Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий Вазирлар Кенгашилар билан тузилган шартномалар (Вазирлар Кенгашида белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

## 5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:

барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;

Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Вазирлар Кенгаши тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Вазирлар Кенгашининг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

12. Вазирлар Кенгашининг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талаблар, Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Вазирлар Кенгашининг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Вазирлар Кенгашида ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Вазирлар Кенгашининг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Вазирлар Кенгашида қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Вазирлар Кенгаши ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Вазирлар Кенгаши ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Вазирлар Кенгаши коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.

19. Вазирлар Кенгашида ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

20. Ушбу Йўриқноманинг 19 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 10 (ўн) соатни ўз ичига олиши лозим.

## 6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

21. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

22. Вазирлар Кенгаши ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

23. Вазирлар Кенгаши ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Вазирлар Кенгашида коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Вазирлар Кенгашининг Раиси қарорига мувофиқ.

24. Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши ва Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Вазирлар Кенгаши ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

25. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

26. Ташкилий Кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Вазирлар Кенгашининг Раисига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ташкилий Кадрлар масалалари бўйича гуруҳи масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар бўлимини огоҳлантириб қўйиши лозим.

## 7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

27. Ташкилий Кадрлар масалалари бўйича гуруҳи Вазирлар Кенгаши ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлимига тақдим этади.

Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими олинган маълумотларни таҳлил қилади (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

28. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар бўлими раҳбари бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

29. Ўқитиш жадвали, йўқлама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Ташкилий Кадрлар масалалари бўйича гуруҳида сақланади.

## 8-боб. Якуний қоидалар

30. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

31. Вазирлар Кенгаши ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходимларини коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишнинг

## ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

| **Мавзу** | **Компонентлар** |
|---|---|
| Коррупциянинг табиати | Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари;<br>Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни;<br>Жамиятда коррупцияга муносабат. |
| Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари | Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик;<br>Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар;<br>Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт. |
| Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш усуллари | Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи;<br>Вазирлар Кенгашидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш;<br>Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;<br>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари;<br>Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш;<br>Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар;<br>Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари). |

| Мавзу | Компонентлар |
|---|---|
| Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар | Вазирлар Кенгашидаи хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;<br>Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Ходимларни Вазирлар Кенгашига танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий Вазирлар Кенгашилар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Вазирлар Кенгаши фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар. |
| Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик | Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;<br>Коррупциявий харакатлар учун жиноий жавобгарлик;<br>Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи. |
| Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли | Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;<br>Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;<br>Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;<br>Фуқаролик жамияти институтларининг Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлиги. |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
6-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида контрагентларни текширишга оид**

# ЙЎРИҚНОМА

## I.Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

2. Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Вазирлар Кенгаши ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

4. Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

5. Текширув ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

6. Ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хулосани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

7. Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.

8. Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

Коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

9. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

**ижрочи** – Вазирлар Кенгашида тузилган харид комиссияси аъзолари;

**контрагент** – Вазирлар Кенгашининг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар)** - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг харакатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Вазирлар Кенгаши ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Вазирлар Кенгаши манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

**махфий ахборот** – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

**ташаббускор** – Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмаси;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Вазирлар Кенгаши ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, невaралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

## II.Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар ва ахборот манбалари

10. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

11. Харид жараёни доирасида қонунчилик ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса).

Бунда, ижрочи Харид комиссия раиси томонидан тайинланади.

12. Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан ҳужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

13. Текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда унинг давомийлиги Харид комиссияси раиси билан келишилган ҳолда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёзма шаклда узайтирилиши мумкин.

14. Контрагентларнинг текширувини шошилинч тартибда ўтказиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, ташаббускор томонидан шошилинчлилик асосланган,

текширувни ўтказишнинг зарур муддатлари кўрсатилган хизмат хати билан Харид комиссиясига мурожаат қилади. Шошилинч текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор Харид комиссияси қарори асосида йўл қўйилади.

15. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса) маъсул бўлади.

16. Контрагентни текшириш учун ижрочига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқномага 1-иловага мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома;

контрагентдан олинган ҳужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқномага 2-илова);

контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари (мавжуд бўлса) нусхаси (сиёсатлар, низомлар, хулқ-аҳлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

17. Ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мажбурий ҳисобланади, коррупцияга қарши курашиш бўйича контрагентнинг ички ҳужжатлари ва якуний бефециарлар тўғрисидаги маълумотнома бундан мустасно. Контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни рад этган тақдирда, ташаббускор бу ҳақда Контрагент устидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширувни амалга оширадиган ижрочига хабар беради.

18. Контрагентдан олинган барча ҳужжатлар нотариал тарзда ёки контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган ҳужжатлар амал қилаётган бўлиши, давлат реестрлари ҳужжатлари эса текширув санасига қадар 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда олинган бўлиши керак.

19. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва холис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган ҳужжат ва маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқлигини (сохталаштириш аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга оширилади.

Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қуйидагиларни таҳлил

қилади:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар. Ушбу Йўриқномага 2-иловада кўрсатилган ҳужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган ҳужжат ёки ахборотларнинг ишончли эмаслиги (сохталаштирилгани) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада тегишли белги қўяди;

очиқ манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин;

тегишли Вазирлар Кенгашиларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган ҳужжатлар;

Вазирлар Кенгашининг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларининг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

20. Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши керак.

21. Зарурият бўлганда ижрочи текширув давомида контрагентларни жойига чиқиб, ўрганиши мумкин. Бу каби текширувни ўтказиш учун ижрочи ўз бўлинмаси раҳбари билан келишиши лозим.

Сайёр текширув давомида Вазирлар Кенгаши раҳбари (ваколатли вакили) билан учрашув баённомаси тузилиб, унда контрагентдан олинган, дастлаб ижрочи томонидан асл нусхалари билан таққосланган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари санаб ўтилади. Олинган ҳужжатлар нусхаларининг ва (ёки) контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган изоҳлар рўйхати текширилаётган контрагентнинг ваколатли вакили ва ижрочи томонидан имзоланган алоҳида рўйхат кўринишида расмийлаштирилиши ва учрашув баённомасига илова қилиниши керак.

## III. Контрагентларни текшириш методологияси

22. Контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва

бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

2) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

23. Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилини амалга оширади ва 25-27-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан қуйидаги контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хулосада кўрсатилган маълумотларнинг бор-йўқлигини белгилайди.

24. Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Вазирлар Кенгашининг амалдаги контрагентни текширишда ижрочи бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Вазирлар Кенгаши билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

Янги контрагентни текширишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қилади ҳамда имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

25. Контрагентнинг ҳуқуқ лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги;

контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили;

контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.;

контрагент асосий фаолият турининг харид предметига мувофиқлиги;

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги;

Контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Вазирлар Кенгаши олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Контрагент номидан Вазирлар Кенгаши билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

Контрагент махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

Контрагентнинг сўнгги икки йил ичида Вазирлар Кенгаши олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

Контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

26. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкий эгалари, шу жумладан бенефициар мулкий эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулкий эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий тузилмалар, экстремистик ва террористик Вазирлар Кенгашилар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

контрагентнинг ишбилармонлик аҳлоқий меъёрлари ва коррупцияга қарши

кураш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсатларнинг мавжудлиги;

контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги;

27. Ўзбекистон Респуликаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган Вазирлар Кенгашининг, эксперт Вазирлар Кенгашиининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунга мувофиқ, ижрочи ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Контрагентнинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича текширади:

контрагентнинг ягона ёки мулкий эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкий эгаси – бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлар Кенгашининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки ҳиссаларига, ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган 5% дан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қилмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлар Кенгашининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагент бошқарув кенгаши таркибига кирмаслиги ёки унинг фаолияти натижаларидан шахсий манфаатдорликка (шу жумладан уларнинг инвестицияларини амалга оширишда) эга бўлмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлар Кенгашининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишламаслиги;

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида аффилланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини декларациялаш доирасида Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширади.

## V. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш

28. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 4-иловада келтирилган шаклда хулоса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади.

29. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Вазирлар Кенгаши ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил якунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилади.

30. Хатар индикаторлари аниқланганда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада аниқланган хатарларни камайтиришга йўналтирилган контрагент билан ишлаш бўйича тавсияларни таклиф қилади ва акс эттиради (масалан, шартномага аванс тўловларга тақиқни киритиш ва бошқа).

31. Ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосани Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга тақдим этади. Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор олинган хулосани харид иштирокчисини танлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш доирасида ҳисобга олади, бу ҳақда харид комиссияси ёки контрагент билан тўғридан-тўғри шартнома тузишдаги баённомада тегишли ёзув киритилади.

32. Контрагент ва Вазирлар Кенгаши ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатга асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим.

33. Агар тўғридан-тўғри ҳаридлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши курашиш тизимининг йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор Вазирлар Кенгаши раҳбари томонидан қабул қилинади.

34. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулоса мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади.

35. Текширув натижалари тўғрисидаги хулоса чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Ички назорат тузилмаси бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқномага 5-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

36. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Ички назорат тузилмасида сақланади.

37. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар конфеденциал бўлиб, Вазирлар Кенгаши ходимларига ва хизмат вазифалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.

## VI. Якуний қоида

38. Контрагентларни текшириш жараёни доимий равишда Ички назорат тузилмаси томонидан мониторинг қилиб борилади.

39. Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилиши керак.

**Якуний бенефициарлар тўғрисида ________________________________**

**(ҳаридлар иштирокчиси) ***

**МАЪЛУМОТНОМА**

| № | Ф.И.Ш. | Туғилган санаси | Шахснинг роли (раҳбар / таъсисчи / якуний бенефициар) | Шахс раҳбар/ таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр | Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |
| 5. | | | | | |
| 6. | | | | | |
| 7. | | | | | |
| … | | | | | |

***сўнгги икки йил учун тўлдирилади***

***Ваколатли шахснинг***
***Ф.И.Ш.***_______________________________________________________________

***Ҳарид иштирокчисидаги ваколатли шахснинг***
***лавозими***______________________________________

***Маълумотнома тузилган***
***сана***______________________________________________________________

## Контрагентдан текшириш учун сўраладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган контрагентлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:

| т/р | **Ҳужжат номи** | **Юридик шахс (ЮШ) / Якка тартибдаги тардбиркор (ЯТТ)** | **Янги контрагент** | **Жорий контрагент** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси | ЮШ / ЯТТ | Мажбурий | н/п |
| 2 | Солиқ ҳисобига қўйиш, шу жумладан СТИР тўғрисида маълумотлар | ЮШ / ЯТТ | Мажбурий | Мажбурий |
| 3 | Юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига киритиш тўғрисида маълумот | ЮШ / ЯТТ | Мажбурий | Мажбурий |
| 4 | Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси | ЮШ | Мажбурий | Ўзгариш бўлганда сўраб олиш |
| 5 | Паспорт нусхаси | ЯТТ | Мажбурий | Ўзгариш бўлганда сўраб олиш |
| 6 | Ишончнома | ЮШ / ЯТТ | Мажбурий | Мажбурий |
| 7 | Контрагент эгалиги тузилмаси, бунга бенефицар мулкий эгаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча мулк эгалари киритилади | ЮШ | Мажбурий | Ўзгариш бўлганда сўраб олиш |
| 8 | Сўнгги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки сўнгги ҳисобот йили учун аудиторлик хулосаси | ЮШ / ЯТТ | Мажбурий | Мажбурий |
| 9 | Кўрсатилган ишлар/хизматларни бажариш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва / ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин) | ЮШ | Мажбурий | Ўзгариш бўлганда сўраб олиш |
| 10 | Мувофиқлик лицензиялари ва сертификатлари | ЮШ / ЯТТ | Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий | Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий |

**Контрагентларни текшириш учун очиқ ахборот манбалари**

1. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш Давлат хизматлари агентлиги платформаси - https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси - http://registr.stat.uz/
3. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz
4. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали - https://data.gov.uz/ru
5. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси - http://kadastr.uz/ru/
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри - http://xarid.uz/unfairexecutor
7. Иқтисодий, маъмурий, жиноий ва фуқаролик судларининг суд ҳужжатлари - https://public.sud.uz/#!/sign/view
8. Офшор зоналар рўйхати- http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html
9. АҚШ махсус тоифадаги ва тақиқланган шахслар рўйхати (ёки WorldCheck маълумотлар базаси)- https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/

Ушбу рўйхат ижрочи томонидан текшириш учун тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, зарур бўлганда кенгайтирилиши мумкин.

## Контрагентни текшириш ҳақидаги ҳисобот

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Иштирокчининг исми | ________________ |
| 2. | СТИР | ________________ |
| 3. | Рўйхатга олинган сана | ________________ |
| 4. | Юридик ва амалдаги манзили | ________________ |
| 5. | Раҳбарнинг ФИШ | ________________ |
| 6. | Таъсисчиларнинг ФИШ | ________________ |
| 7. | Якуний бенефициарларнинг ФИШ | ________________ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Иштирокчи тадбиркорлик субъектларининг Ягона Давлат реестрида бор | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 9 | Иштирокчидан имзо чекувчи шартнома тузишга ҳақли | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 10 | Иштирокчининг асосий фаолияти харид предметига мос келади | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 11. | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорликларнинг йўқлиги | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 12. | Иштирокчига нисбатан жорий этилган қайта ташкил этиш, тугатиш (ликвидация), банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 13. | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи ҳақида ёзувнинг йўқлиги | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |
| 14. | Вазирлар Кенгаши тизимида иштирокчи билан ишлашнинг аввалги салбий тажрибасининг йўқлиги | ***Ҳа*** | P | ***Йўқ*** | P |

| | | |
|---|---|---|
| 15. | Иштирокчи хариднинг бошқа иштирокчилари билан аффилланмаган | ***Ҳа*** P ***Йўқ*** P |
| 16. | Манфаатлар тўқнашуви / иштирокчининг Вазирлар Кенгаши тизими ходимлари билан аффилланганлиги ҳақида маълумот йўқлиги | ***Ҳа*** P ***Йўқ*** P |
| 17. | Аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чора-тадбирлари | Манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш чора-тадбирлари тавсифи |
| 18. | Коррупцияга оид қоидабузарликлар эҳтимоли ҳақида маълумотлар | Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [Ҳарид жараёнлари иштирокчисининг коррупцияга оди қоидабузарлиги/порахўрлиги тавсифи] |
| 19. | Иш соҳасидаги обрўсининг салбий омиллари эҳтимоли ҳақида маълумотлар | Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [ишчанлик обрўсининг салбий омиллари тавсифи] |
| 20. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳужжатларнинг мавжудлиги (веб-сайтда тақдим этилган ёки мавжуд) | ***Ҳа*** P ***Йўқ*** P |
| 21. | Иштирокчининг сайти | Мавжуд эмас/ Сайтнинг манзили: [ҳавола], фаол / фаол эмас |
| 22. | Иштирокчи мавжудлиги муддати (йилларда) | |
| 23. | Иштирокчининг молиявий, моддий, техник, кадрлар ва бошқа ресурслари миқдори шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли | ***Ҳа*** P ***Йўқ*** P |
| 24. | Иштирокчи текшириш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этган | ***Ҳа*** P ***Йўқ*** P |

Агар тақдим этмаган бўлса, тақдим этилмаганларини кўрсатинг:

25. Ҳисоботга илова қилинган бошқа материаллар

а) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]

б) Хатарлар аниқланганлигини (ҳа, йўқ) ва, агар шундай бўлса, қандай хатарлар ва уларни қандай камайтириш мумкинлигини кўрсатинг

[Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]

в) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]

г) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи] ва б.

**Текшириш натижалари асосида асосий хулосалар ва кузатишлар**

Харид жараёни иштирокчисини текширишни амалга оширган ходим ҳақида маълумотлар

Ф.И.Ш. ____________________

Лавозими ____________________

Ҳисобот тузилган сана ____________________

Лотнинг рақами ____________________

Имзо ____________________

# Харид жараёнлари иштирокчиларини/контрагентларни текшириш реестри

| Т\р | Текшириш сўрови олинган сана | Ижрочи | Ташаббускор (ФИШ, лавозими ва бўлими) | Контрагент номи | Контрагентнинг СТИР | Тақдим этилган ҳужжатлар | Шартнома муносабатларини ўрнатишнинг мақсади | Олдинги текширувлар ҳақида маълумот (санаси, ижобий/ салбий хулоса / дастлабки текшириш) | Аниқ-ланган хавфлар | Хулоса санаси | Изоҳлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 1 | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | | | |
| … | | | | | | | | | | | |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
7-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилинаётган**

**номзодларни текшириш бўйича**

# ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қуйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Кенгашида лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Вазирлар Кенгаши учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Йўриқнома мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан

фойдаланилади:

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Вазирлар Кенгаши ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Вазирлар Кенгашиларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – Вазирлар Кенгашининг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноқонуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкий ҳуқуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, невaралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

## 3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари

5. Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ва Коррупцияга қарши ички назорат бўлими номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси бўлимидан олдин амалга оширилади.

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

10. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш холис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

## 4-боб. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи ва Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ходимларига (кейинги ўринларда – Ижрочи) текширувни ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

номзод томонидан Вазирлар Кенгашидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси.

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

14. Номзод сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишни рад этган тақдирда номзодни текшириш очиқ фойдаланувдаги ва Ижрочи

тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек расмий сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда Ижрочи текширув натижаларига оид хулосада тегишли қайдни амалга оширади.

15. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

**5-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

16. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очиқ манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

17. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг https://vacancy.argos.ru сайтидаги шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очиқ ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

18. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

19. Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

20. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очиқ ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing

Корхона ва Вазирлар Кенгашиларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - https://my.soliq.uz/main/?lang=ru

Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлари портали - https://data.gov.uz/ru

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - http:// kadastr.uz/ru/

Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - https://mib.uz

Ахборот қидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

## 6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувини ўтказиш йўналишлари

21. Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайди ва бошқалар).

22. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

## 7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари

23. Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

24. Вазирлар Кенгашининг Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи

Вазирлар Кенгашидаги Номзодларни текшириш реестрига киритиладиган маълумотларни йиғиш ва ушбу Реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

25. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирига биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

26. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказаётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қилади ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

27. Салбий хулоса берилган тақдирда номзодни, шу жумладан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш Вазирлар Кенгаши раҳбари қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йўналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи раҳбари билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади.

28. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

## 8 боб. Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари

29. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳамроҳ ҳужжатлар) махфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаётган Вазирлар Кенгаши ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

30. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова)дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

31. Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан

фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар коррупцияга қарши кураш фаолиятини назорат қилувчи раҳбар ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

32. Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

33. Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳ.к) Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан камида 10 (ўн) йил давомида сақланиши шарт.

34. Вазирлар Кенгашига ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

35. Агар номзод Вазирлар Кенгашида ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўқнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

## 9-боб. Якуний қоидалар

36. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

37. Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгаши ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

# Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Асосий маълумотлар** | |
| 1.1 | Номзоднинг ФИШ | |
| 1.2 | Туғилган санаси | |
| 1.3 | Бўш лавозим номи | |
| 1.4 | Бўлинма | |
| 1.5 | Боғланиш учун телефон | |
| 1.6 | Эл.почта манзили | |
| **2.** | **Иш тажрибаси** | |
| 2.1 | Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари | |
| 2.2 | Аввалги иш жойларидан салбий фикрлар мавжудлиги | ☐ Ҳа ☐ Йўқ<br><br>Изоҳ (лар):<br><br>Манба(лар): |
| **3.** | **Текширув натижалари** | |
| 3.1 | Ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети олиндими? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин) | ☐ Ҳа ☐ Йўқ<br><br>Етишмаётган ҳужжат(лар):<br><br>Уларнинг йўқлиги сабаби(лари): |
| 3.2 | Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳақидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги | ☐ Ҳа ☐ Йўқ<br><br>Изоҳ(лар):<br>Манба(лар): |
| 3.3 | Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги | ☐ Ҳа ☐ Йўқ<br><br>(агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг)<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |

| | | |
|---|---|---|
| 3.4 | Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги (раҳбарлик лавозимига номзод учун) | Ҳа / Йўқ<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |
| 3.5 | Номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжудлиги: | Ҳа / Йўқ |
| | 1) номзоднинг яқин қариндошлари Вазирлар Кенгашининг амалдаги ходими ҳисобланади | Ҳа / Йўқ<br><br>(агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатинг)<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |
| | 2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Вазирлар Кенгаши контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органлари таркибига кирса | Ҳа / Йўқ<br><br>(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |
| | 3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай Вазирлар Кенгашининг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг 5% ва ундан ортиғига эгалик қилса ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш орқали) | Ҳа / Йўқ<br><br>(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |
| | 4) Бошқа аломатлар | Ҳа / Йўқ<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |
| 3.6 | Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги | Ҳа / Йўқ<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3.7 | Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайди ва бошқалар). | Ҳа<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): | Йўқ |
| 3.8 | Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари) | Ҳа<br><br>Изоҳ(лар):<br><br>Манба(лар): | Йўқ |
| 4 | **Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар** | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5 | **Хулоса** | | |
| | | Ҳа / Йўқ | Изоҳлар |
| 3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги | | | Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади |
| 3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги | | | Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконсиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади |
| **ЯКУНИЙ НАТИЖА** | | (салбий хулоса /ижобий хулоса) | |
| **ТАВСИЯЛАР** (аниқланган хатарларни ҳисобга олган ҳолда) | | | |

Ижрочи

_______________________________________________

(ФИШ)

__________________________ « » 20__й.

(имзо) (сана)

# Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш реестри

| Т/р | Номзоднинг ФИШ | Бўш лавозим номи | Марказий аппаратдаги ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма номи | Текширув ижрочиси, ФИШ | Номзодни текшириш бўйича ҳисобот санаси ва рақами | Текширув натижаси (мусбат / манфий / аниқланган хатарлар) | Текширув натижасини асословчи қисқа изоҳлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| … | | | | | | | |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
8-илова

# Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш УСЛУБИЁТИ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Вазирлар Кенгаши фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

3. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Вазирлар Кенгашининг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда –мониторинг ва назорат) Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – ички назорат бўлими) томонидан амалга оширилади.

5. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Вазирлар Кенгаши фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Вазирлар Кенгаши фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Вазирлар Кенгашининг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Вазирлар Кенгашида аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

6. Ушбу Услубиёт мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**контрагент (шартномавий шерик)** – Вазирлар Кенгаши билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга қарши тизим –** коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички

ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**релевант хабар –** Вазирлар Кенгашидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ахборот;

**ходим** – Вазирлар Кенгаши билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

## II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари

7. Вазирлар Кенгашида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши **мониторинг** ўтказилади:

идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида Вазирлар Кенгаши ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги;

Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги.

8. Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши тизимнинг **назорати** қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

## III. Идоравий коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби

9. Идоравий коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) томонидан доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш

агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл тавсиялари) ижросини кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, зарурат туғилганда Ички назорат бўлими мониторинг якунлари бўйича Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши тизимини такомиллаштириш, ички ҳужжатларни ўзгартириш ёки янги ҳужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Кенгаши Раисига киритади.

10. Оммавий ахборот воситаларида Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, Вазирлар Кенгаши ахборот хизмати томонидан доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Мониторинг натижасида ходимга алоқадор релевант хабар аниқланганда Вазирлар Кенгашидаги ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади.

11. Вазирлар Кенгаши ходимларининг асосий коррупцияга қарши тамойиллар
ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Ички назорат бўлими томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади.

Ходимларнинг хабардорлиги мазкур услубиётга 1-иловада келтирилган ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимига мувофиқ ўтказилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлов асосда Вазирлар Кенгаши ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони Вазирлар Кенгашининг турли тузилмаларидан турли лавозимларни эгаллаган 6 киши);

коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Вазирлар Кенгаши талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (вазиятли топшириқлар - кейсларни ечиш билан) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очиқ саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин);

жавоб ечимларни тақдим қилиш учун танланган ходимларга назорат саволларини юбориш;

натижаларни таҳлил қилиш ва коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ва уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш.

12. Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот
2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади.

## IV. Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш

13. Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан ҳисобот тузиш.

14. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиладиган функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган муносабатларга нисбатан Вазирлар Кенгашида жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади.

15. Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига қуйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин:

харидлар бўйича фаолият;

совғалар, хизмат сафарлари харажатлари;

фаолияти назорат қилинувчи Вазирлар Кенгашилар билан ўзаро ҳамкорлик;

молиявий маблағларни сарфланиши;

персонални бошқариш (кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини хизмат) ошириш, мукофотлаш ва бошқа кўринишдаги рағбатлантириш).

16. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра Ички назорат бўлими томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган ёки Вазирлар Кенгаши учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, Вазирлар Кенгаши раҳбари ва Вазирлар Кенгашининг тегишли бўлимлари билан келишилган ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

17. Бир ёки бир нечта хавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чоракда камида 1 (бир) марта амалга оширилади.

18. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси икки календарь йилга мўлжаллаб Ички назорат бўлими томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу

Услубиётда кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) Вазирлар Кенгашининг барча жараёнларини, текшириладиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак. Шу билан бирга, тегишли чоракда текширилиши керак бўлган хавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва тақсимланиш жараёни Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички ҳужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усуллар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Ички назорат бўлими томонидан белгиланган тартибда хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларнинг қолдиқ хавф даражасига қараб амалга оширилади.

19. Тайёрланган Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси 31 январга қадар Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан тасдиқланиши керак.

20. Вазирлар Кенгашида режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар Вазирлар Кенгаши Раисининг  тегишли фармойиши мавжуд бўлса;

Вазирлар Кенгашида ўтказилган бошқа текширувлар  давомида коррупция хатарлари аниқланганда;

Вазирлар Кенгашининг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда.

21. Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуйидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

Вазирлар Кенгаши томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш ҳужжатлари ёки хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ҳужжатлари билан солиштириш;

товарларни ҳақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар кўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва ҳужжатларда белгиланган тартибда солиштириш;

Контрагентни ёки Вазирлар Кенгашида ишлашга номзодни текшириш натижаларига асосланган ҳулосада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи ҳужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки

ишлашга номзоднинг шартномада кўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш;

контрагент ва Вазирлар Кенгаши, шу жумладан, мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан шартнома бошқа маъмурий ҳужжатлар имзоловчиларининг ваколатлари мавжудлигини текшириш, тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли шахсларнинг имзолари билан визуал равишда мослигини солиштириш;

контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

Вазирлар Кенгаши ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталаштириш белгилари йўқлигини текшириш;

қонун ҳужжатларига ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини текшириш (рақобатлашув харид қилиш тартиб-таомилларининг эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот ва бошқалар.);

пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун Вазирлар Кенгаши ходимлари билан суҳбат.

22. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади (кейинги ўринларда- Маълумотнома деб юритилади), у кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қуйидагилар кўрсатилади:

**Кириш қисмида:**

Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

Ҳисоботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ.

**Тавсифловчи қисмида:**

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

Вазирлар Кенгаши коррупцияга қарши тизимининг аниқланган коидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар.

**Якуний қисмида:**

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

23. Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак.

24. Маълумотнома Вазирлар Кенгаши Раисига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.

## V. Якуний қоидалар

25. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

26. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Ички назорат бўлимига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш ТИЗИМИ

| Т/р | Текширув йўналиши | Текширув тадбирлари |
|---|---|---|
| 1. | Вазирлар Кенгаши ходимларига одоб-аҳлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бўйича тренинглар (онлайн, офлайн) ўтказилишининг мониторинги | Тренинглар мунтазамлиги, уларни мазмуни ва қатнашувчи шахслар қисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш. |
| 2. | Коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва тартиб-таомиллар талабларини билишини текшириш | Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тренинглари доирасида ўтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили;<br>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо қўйдирилган ҳолда мажбурий тарзда таништирилганлигини текшириш;<br>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш:<br>а) текширувда қатнашиш учун Вазирлар Кенгаши ходимларини танлов асосида аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони – Вазирлар Кенгашида таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар);<br>б) ички ҳужжатларда кўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматида, очиқ саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин);<br>в) жавоблар/қарорларни тақдим қилишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш;<br>г) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда қийинчиликларни муҳокама қилиш. |

## Вазирлар Кенгаши коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш ЖУРНАЛИ

| Т/р | Мониторинг / тадбир тури | Чора-тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (ҳар чоракда/ҳар ярим йилда/ доимий) | Мониторинг / назоратни ўтказиш санаси | Кузатувни тафсилоти | Коррупцияга қарши курашиш тизимини тўғрилаш чоралари | Масъул ижрочи | Тўғриланадиган чора-тадбирларнинг ижро муддати | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Коррупцияга қарши курашиш тизимининг етарлилигини баҳолаш** | | | | | | | | |
| 1. | Идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги | Доимий равишда | | | | | | |
| **Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш** | | | | | | | | |
| 2. | ОАВ мониторинги | Доимий равишда | | | | | | |
| 3. | Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги | Ҳар ярим йилда | | | | | | |
| 4. | Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат | Ҳар чоракда | | | | | | |
| 5. | Вазирлар Кенгашидаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат | Ҳар чоракда | | | | | | |

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
9-илова

**Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича**

# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлими ходимлари зиммасида (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) бўлади.

Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари ҳисоботни тақдим қилиш учун маъсулият таркибий бўлинмалардаги коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) зиммасида бўлади.

## 2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги

3. Вазирлар Кенгашида қуйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат бўлими томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат бўлими томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

5. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

6. Йилнинг IV чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

7. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Вазирлар Кенгашининг Раисига ( Вазирлар Кенгаши раёсатига) топширилади.

Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Вазирлар Кенгашининг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

8. Вазирлар Кенгашининг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими томонидан тайёрланади.

## 3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

9. Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

10. Ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат бўлими томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Вазирлар Кенгашининг Раисига (Вазирлар Кенгаши раёсатига) кўриб чиқиш учун топширилади.

11. Ҳисоботни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Вазирлар Кенгаши тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

12. . Ички назорат бўлими қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга

қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Вазирлар Кенгашининг Раисига тақдим этади.

## 4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби

13. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

14. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Ички назорат бўлими томонидан Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

15. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот Вазирлар Кенгашининг Раиси томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

## 5-боб. Якуний қоидалар

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Вазирлар Кенгашининг Ички назорат бўлими маъсул бўлади.

# Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот

| | |
|---|---|
| **Вазирлар Кенгаши номи:** | |
| **Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):** | ФИШ, лавозими, бўлими |
| **Ҳисобот даври:** | |
| **Ҳисобот тайёрланган сана:** | |

| Т/р | Тадбирлар гуруҳининг номлари | Тадбирларнинг номлари | Бажариш муддати | Маъсул ижрочилар | Ижро тўғрисида белги | Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат | Бажарилганликни тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

| Т/р | Тадбир | Натижалар |
|---|---|---|
| **II. Сиёсатлар ва процедуралар** | | |
| 1. | Ички ҳужжатларни мослаштириш | Вазирлар Кенгашида ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур. |
| 2. | Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур. |
| **II. Шахсий намуна** | | |
| 3. | Вазирлар Кенгаши раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи). | 3-6-бандларда Вазирлар Кенгаши тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг қонунчилик талабларига риоя қилиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишнинг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очиқ эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим. |
| 4. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Вазирлар Кенгаши раҳбари ва унинг ўринбосарларининг номидан). | |
| 5. | Вазирлар Кенгаши раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари. | |
| **III. Хавф-хатарларни баҳолаш** | | |
| 6. | Вазирлар Кенгашида коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш | Ҳа ўтказилган\йўқ ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (қайси босқичдалиги кўрсатилади) |
| 7. | Ҳисобот даври учун Вазирлар Кенгашида иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст). | Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даража, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар.<br>Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади. |

| | | |
|---|---|---|
| 8. | Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар | |
| 9. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | Қолдиқ таваккал юқори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади |
| 10. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур. |
| **IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар** | | |
| 11. | Вазирлар Кенгашида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар | Вазирлар Кенгашида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур. |
| 12. | Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш. | Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Вазирлар Кенгашидаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.<br>Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Вазирлар Кенгашидаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. |
| 13. | Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони. | Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва Вазирлар Кенгашидаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур. |
| 14. | Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони | Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур. |
| 15. | Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар | Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш. |
| **V. Таълим ва коммуникация** | | |
| 16. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш:<br>барча ходимлар учун;<br>коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойлилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун. | Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш. |
| 17. | Вазирлар Кенгашига яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш. |
| 18. | Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар | Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли гуруҳини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг якунларини кўрсатиш. |
| 19. | Коррупцияга қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари. | Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллар. |
| 20. | Ходимларнининг аҳлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари хақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари. | Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар. |
| 21. | Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш | Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови).<br>Шартномаларига коррупцияга қарши қўгшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги котрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати. |
| **VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари** | | |
| 22. | Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони | Хабарлар сонини қуйидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисоботни илова қилиш. |

| | | |
|---|---|---|
| 23. | Хизмат текшируви ўтказилган;<br>Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган;<br>Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида);<br>Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони. | Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш. |
| 24. | Қабул қилинган таъсир чоралари. | Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аниқланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар таклиф қилинди. |
| **VII. Мониторинг ва назорат** | | |
| 25. | Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги | Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қуйидаги кесимда кўрсатиш<br>Текширув объектлари (бошқарма, бўлим);<br>Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар);<br>Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.);<br>Текширув тадбирлари характери (режали, режадан ташқари). |
| 26. | Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари? | Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай қоидабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш.<br>Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошқа ички ҳужжатлар)? |

**Хулосалар:** Ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, заруррият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

**Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида 202..йил –чи чорак учун**

## УМУМИЙ ҲИСОБОТ

### I. Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот[1]

Вазирлар Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

### II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисобот даврида коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

### III. Хавф-хатарларни баҳолаш[2]

Вазирлар Кенгаши томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган таркибий бўлинмалари сони, Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

таркибий бўлинмалар кесимида Вазирлар Кенгаши учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

## IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

### Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида [3] (мавжуд бўлган тақдирда), таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашувини таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Вазирлар Кенгаши бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик деклацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);[4]

Вазирлар Кенгаши тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида *(масалан, харид процедуралардаги, иш бўйича бевосита бўйсуниш натижасида ва шу кабиларда)* таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

### Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирлар Кенгаши шарномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирлар Кенгашининг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

Вазирлар Кенгаши тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши

қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

**Контрагентларни текшириш**

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати кўрсатилади.

**Ишга номзодларни текшириш**

Вазирлар Кенгаши тизимига ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

**V. Таълим ва коммуникация**

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Вазирлар Кенгаши тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўникмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, Вазирлар Кенгаши тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар**

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида

келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

## VII. Мониторинг ва назорат [5]

ҳисобот даврида Вазирлар Кенгаши тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган Вазирлар Кенгаши, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисчача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

## VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича бўлими (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Вазирлар Кенгашида қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; Вазирлар Кенгаши тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

## IX. Хулосалар

Вазирлар Кенгаши тизимида таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

## X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида Вазирлар Кенгаши тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

## Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги

## ҲИСОБОТ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Амалга оширилган чоралар |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

[1]Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

[2] Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

[3] Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

[4] Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

[5] Ташкилотда  ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйича умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
172-13-0-Q/21-сон қарорига
10-илова

**Вазирлар Кенгаши ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича**

## РЕГЛАМЕНТ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (кейинги ўринларда – Вазирлар Кенгаши) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – Хизмат текшируви) ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқлган:

Вазирлар Кенгашида Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Вазирлар Кенгашида қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Вазирлар Кенгашида қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Вазирлар Кенгаши ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувида иштирок этаётган Вазирлар Кенгаши ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Вазирлар Кенгашидаги Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

Вазирлар Кенгаши ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний

манфаатларига риоя қилиш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;

Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан Хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва холислик;

Хизмат текшируви олиб борилаётган Вазирлар Кенгаши ходимнинг айбсизлик презумпцияси.

## II. Хизмат текширувни тайинлаш

5. Хизмат текшируви Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Вазирлар Кенгаши ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита Вазирлар Кенгашининг Раиси ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Кенгашининг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

Коррупцияга қарши Ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат хокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Қуйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Вазирлар Кенгаши Раиси ва унинг ўринбосарлари;

Вазирлар Кенгашининг Одоб-аҳлоқ комиссияси;

Ички назорат бўлими;

Вазирлар Кенгашининг юридик хизмати раҳбари;

Вазирлар КенгашинингТашкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи раҳбари.

8. Коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Ички назорат бўлими Хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг Вазирлар Кенгаши ходимларига алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадилар.

9. Бунда устидан Хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув Хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Вазирлар Кенгашига алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Ички назорат бўлими  Вазирлар Кенгашининг Раиси номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

13. Агар Хизмат текшируви Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Вазирлар Кенгашининг Раиси номига ёзилади.

14. Агар Хизмат текшируви Вазирлар Кенгаши Раиси ёки унинг ўринбосарларига  нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган коррупциявий хатти-харакатлар,  шу жумладан манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар Ички назорат бўлими томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

15. Вазирлар Кенгашининг  Раиси хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор

(буйруқ) қабул қилади.

16. Вазирлар Кенгашининг Раиси хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Вазирлар Кенгашининг Раиси Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гуруҳ таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида фармойиш тайёрлаш вазифасини топширади.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги фармойишга қуйидагилар кўрсатилади:

Хизмат текшируви предмети (мавзуси);

Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;

Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;

Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

Ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

19. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги фармойиш лойиҳаси Вазирлар Кенгашининг Раисига имзолаш учун  3 кун ичида тақдим этилиши керак.

**III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш**

20. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга ички назорат бўлими, Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳи, юридик хизмат,  лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

22. Қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсинувидаги ходим;

Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари;

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошкора зиддиятга эга ва ҳок.) бўлган бошқа ходимлар.

23. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

## IV. Хизмат текширувини ўтказиш

24. Хизмат текшируви тегишли фармойиш имзолаган санадан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

25. Агар Хизмат текшируви жараёнида 24-бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, Хизмат текшируви тўғрисидаги фармойишни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, Хизмат текширувини ўтказиш муддатлари 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

26. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки Хизмат текширувида иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, Хизмат текшируви Вазирлар Кенгашининг Раиси билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

27. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан Вазирлар Кенгашининг фармойиши билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган фармойиш ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша куниёқ фармойишга имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Фармойиш билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи

гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

28. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид фармойиш Хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

## V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

Қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлар Кенгашининг ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

Қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;

Қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (Вазирлар Кенгаши ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;

Вазирлар Кенгашига етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;

Қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

30. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, Вазирлар Кенгашининг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);

интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото- ва видеосъемкалар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

31. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан Вазирлар Кенгашида қабул қилинган барча таомилларни

қўллаган ҳолда, шунингдек, Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

32. Вазирлар Кенгаши ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайд Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

33. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

34. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолотнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

35. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолотномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

**VI. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

36. Ишчи гуруҳ раҳбари Хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

37. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдига вазифалар қўяди;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалан, Вазирлар Кенгашидаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қилади, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қилади, зарурият туғилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар.);

Вазирлар Кенгашининг Раисига Хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

38. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Кенгаши ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Вазирлар Кенгашининг Раиси билан келишилиши шарт;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио- ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Вазирлар Кенгаши ходимларидан Хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Вазирлар Кенгашининг мулкининг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото- ва видеоқайдларни амалга ошириш.

39. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва б.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, Вазирлар Кенгашининг бошқа ички ҳужжатлари ва

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари Хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденциаллигини сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

## VII. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари

40. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши хақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, Хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган ҳужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш;

Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари);

Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан Вазирлар Кенгаши Раисига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

## VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан,

Хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатла иштирок этишлари шарт.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга хақли эмаслар.

43. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Вазирлар Кенгашининг Раисига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

## IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

44. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

45. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

46. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

47. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

48. Маълумотномага асосан Вазирлар Кенгашининг Раиси қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текшируви тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

49. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Ички назорат бўлимига, Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига этилади.

50. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

## XI. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

51. Хизмат текширувида иштирок этаётган Вазирлар Кенгаши ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

52. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Вазирлар Кенгашининг Раиси, Ички назорат бўлими ва ишчи гуруҳи аъзолари (мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

53. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Вазирлар Кенгаши Раисининг ёзма розилигини олиши лозим.

54. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғма жилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Ички назорат бўлими ва Ташкилий кадрлар масалалари бўйича гуруҳига топширилади.

55. Вазирлар Кенгашининг ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда Хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Ички назорат бўлимига тақдим этишлари шарт.

56. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган

вақтдан бошлаб  10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

**ДАЛОЛАТНОМА**

«___» ______________ 20__ й.

Биз, қуйида имзо қўювчилар

_________________________________________________________________

(ФИШ, лавозими)

_________________________________________________________________

(ФИШ, лавозими)

_________________________________________________________________

(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

______________________________________________________________________________________

_______________________________________________________________________________,дан иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуйидагилар билан изоҳлади

______________________________________________________________________________________

_____________________________________________________________________________

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси: ________

_____________________________

(имзо) (ФИШ)

________

_____________________________

(имзо) (ФИШ)

________

___________________________

(имзо) (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _______________

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ Раиси «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

**Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома**

**___-сон**

1. Асос: Вазирлар Кенгаши Раисининг фармойиши (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи гуруҳ Раиси ________________________________________________________

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гуруҳ аъзолари ________________________________________________________

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни): _______________

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқдловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг харакат(лар)ида (харакатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Вазирлар Кенгашининг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

______________________________ ________ __________________

(ФИШ, лавозими) (имзо) (сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ Раиси «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

## Хизмат текширувлари электрон реестри

| Т/р | Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси | Ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси | Хизмат текшируви ўтказиш даври | Ишчи гурух таркиби | Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба | Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи | Текширув натижаларининг қисқача таърифи | Аниқланган айбдор шахслар рўйхати | Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар | Муддатлар ва ижро учун маъсул | Амалда бажарилганлик тўғрисидаги ахборот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 1 | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | | | |
| … | | | | | | | | | | | |